Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 АВГУСТ, ПАЙШАНБА. № 152 (647). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҚАТОР КОРХОНАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ ИККИ ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ШАНБАЛИК ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚИШДИ

Ўзбекистон енгил саноати ходимлари 7 август шанба куни ўз иш жойларини эгаллайдилар. Шу куни улар бир миллиард сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

Тармоқнинг барча корхоналари ва ташкилотларида ишчиларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда республика мустақил деб эълон қилинган кунининг икки йиллиги шарафига шанбалик ўтказишга қарор қилинди.

Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги йирик корхоналарнинг ташаббусини «Ўзенгилсаноат» республика давлат уюшмаси бошқаруви маъқуллади. Шанбаликни ўтказиш штаби тузилди. Пойтахтдаги «Қизил тонг», «Юлдуз» тикувчилик бирлашмаларининг, Наманган, Андижон ва Марғилондаги корхоналарнинг жамоалари шу куни ўзлари бажараднган ишларни аниқ белгилаб олдилар. Шу куни бир миллион метрдан ортиқ газлама, юз минглаб трикотаж буюмлар, пойабзал, лайпоқлар, гиламлар, чинни идишлар ишлаб чиқарилади. Шу кунги меҳнат ҳақи — тахминан юз миллион сўмдан ошиқроқ пул «Соғлом авлод учун» ҳайрия жамғармасига ўтказилади.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

3 август куни Тўрткўл шаҳрида Қорақалпоғистон Республикасининг биринчи пойтахти бўлган Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш бўйича мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг фармонига биноан тузилган ташкилий қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни ташкилий қўмита раиси И. Ҳ. Жўрабеков олиб борди.

Мазкур йиғилишда Тўрткўл тумани ҳокими Ғ. Н. Хожиев ва Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Р. И. Йўлдошевнинг ушбу байрамга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди ва Тўрткўл шаҳрининг республика тарихий, ижтимоий ва маданий тараққиётида тутган муҳим ўрни тўғрисидаги кўплаб меҳнаткашларнинг таклиф ва истаклари эътиборга олинганлиги таъкидланди. Ҳамда барча вазирликларга, муассаса ва ташкилотларга Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини муносиб нишонлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш топширилди.

Ташкилий қўмита йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. А. Аширбеков иштирок этишди.

(Ўз мухбиримиз).

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

АНДИЖОНДА вилоят фермерлар йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокими Қ. Обидов 1993 йил биринчи ярмида қишлоқ хўжалигининг иш якунлари ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Музокарада сўзга чиққанлар вилоятда халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида ижобий силжишлар юз бергани, айни вақтда муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш кўнгилдагидек эмаслигига эътиборни қаратдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Т. Мирёқубов сўзга чиқди.

ЎзА.

Янгиқўрғон туманидаги Тўйчи Неъматова номли давлат хўжалигида Голландиядан келтириб экилган картошкадан мўл-қосил олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 300 центнерни ташкил этди. Яқинда хўжалик соҳибкорлари 37 гектар ерга Голландиянинг кузги картошка уруғини экишди. Чет эллдан келтирилган картошка навини парваришлашда ўзига хос тажриба орттирган ушбу хўжаликка қўшни районлардан келиб тажриба ўрганиб кетишмоқда.

— Мақсадимиз ҳар гектар ердан 350 центнердан картошка ҳосили йиғиштириб олиш, — дейди хўжалик директори, вилоят кенгаши депутати Муҳаммаджон Юнусов.

СУРАТЛАРДА: давлат хўжалиги директори Муҳаммаджон Юнусов ҳамда 3-бригада бошлиғи Йўлдошхўжа Зиёвутдинов баҳорги картошка ҳосили сифатини кўздан кечиришмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

• Қисқа сатрлар

ҲУНАРГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАРНИ ТОПИБ

Уттиз нафар қишлоқ ёшларн Пахтаобод вагон таъмирлаш заводи қошида таъмирловчи-чиланГар касбини эгалламоқда. Улар ишлаб чиқариш машғулотларини шу корхона цехларида ўтказади. Ёшларни янги ҳунарларга ўргатишга сарфланадиган ҳаражатларни корхона ва билим юрти билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат биржаси зиммасига олди.

Бу Пахтаобод тумани, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ташкил этган ўқув гуруҳларининг бешинчиси бўлди.

ДИССЕРТАЦИЯ АНДИЖОНДА ЁҚЛАНДИ

Андижон Давлат университети қошида ташкил этилган махсус илмий кенгаш йиғилишида дастлабки икки диссертация ҳимоя қилинди. Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари Карим Расулов ва Фарғона политехника институтининг катта ўқитувчиси Абдусалим Комилов тарих фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлдилар.

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Бу йил Хоразм вилояти деҳқонлари қийин об-ҳаво шароитида мўл пахта ҳосили етиштиришга уринмоқдалар. Ҳозир ҳамма туманларда бошланган деҳқонларнинг ўзаро текшириш ишлари ҳам шу мақсадга қаратилган. Кўпгина кишилар ўзаро текшириш эскирган тадбир деб ҳисоблайдилар, лекин пахтакорларнинг фикри бундай эмас. Чунки, касбдошларнинг беғараз маслаҳатлари бебаҳо ёрдам бўлади. Масалан, ўзаро текшириш бригадалари Қўшкўпир, Янги бозор ва Гурлан туманларидаги бир қанча хўжаликларда кўпгина камчиликлар борлигини аниқладилар. Чунончи, бу ерларда навбатдаги культивация ўтказиш кечикмоқда. Бу агротехника тадбири ўз вақтида амалга оширилмаса, мўл ҳосил етиштириш қийин.

Ўзаро текшириш бригадаларининг иши тугаганидан сўнг камчиликларни бартараф этиш юзасидан биринчи навбатда амалга оширилади-ган чора-тадбирлар жадвали тузилади.

ЕРЁНҒОҚ—ФОЙДАЛИ ЭКИН

Сурхондарё вилоятининг Ойбек номидаги давлат хўжалиги деҳқонлари ерёнғоқ экиладиган майдонларни анча кенгайтирдилар. Ҳозир бу экинга 200 гектардан ортиқ унумдор ер ажратилган.

Сурхондарёнинг сахий заминида етиштирилган ерёнғоққа республикамизда ҳам, ундан ташқарида ҳам талаб катта. Бозор талабларини пухта ўрганган хўжалик мутахассисларининг фикрича, ерёнғоқ хўжаликнинг молиявий аҳволини яхшилабгина қолмай, чет эл валютасида катта фойда келтириши ҳам мумкин.

(ЎзА).

Мустақиллик — тақдиримизда

БИЗНИНГ АНКЕТА

1. Истиқлол сизнинг ҳаётингизда қандай аҳамият касб этмоқда?

2. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаингиздан кўнглингиз тўладими?

3. Ўзбекистоннинг келажагини қандай орзу қиласиз?

Уткир ДУСИЕР ўғли, — Тошкент давлат техника доривфунуни талабаси.

1. Агар одамзод онадан ҳур туғилишини эсласак, мустақиллик нақадар буюк неъмат эканлигини яна-да чуқурроқ англаймиз. Мен тақдиримдан нолимайман, таъбир жоиз бўлса уни буюк тақдир деб атагим келади. Чунки, ота-боболаримизнинг асрий орзуси менинг замонимда юзага чиқаётир.

Юртимиз икки ёшга тўлмоқда. Юртнинг ҳақиқий фарзандлари ҳам икки ёшдадир. Улар Ватан билан «қайта туғилдилар». Биз учун ҳозирча Ватан тушунчасининг ўзи улуғ кашфиёт. Бу туйғу яқин орада кишиларнинг қалб эҳтиёжига айланиши шубҳасиз. Аслида, «Ватан» тушунчаси кўпгина халқлар учун XX асрнинг буюк кашфиётидир. Ватанда ватансизлик фожеаси тугаб, ўзликка қайтиш мўъжизаси юз берди. Бундан чексиз ғурур ва фахр ҳиссини туяман.

2. Мен талабаман. Балки, бизнинг тинч ўқиш ва меҳнатимизнинг ўзи истиқлолни мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилар. Лекин ён-атрофингда эскича кайфият билан, илгариги тузумни соғиниб яшаётган каслар ҳам борлигини кўриб, афсус чекасан. Гўё шулар учун ҳам сен айбдордек. Бу ишончсизлик, бу иккиланиш келажак кушандаси, тараққиёт занжиридир. Шу занжирни парчалаш сенинг қўлингдан келмаслигини ўйлаб эзиласан. Истиқлол учун курашда олдинги сафларда бўлишни, бу йўлда учрайдиган ҳар қандай ғояларни енгиб ўтишни хоҳлайсан.

Бугун ўтиш даврини бошдан кечираётирмиз. Мана шу ислоҳлар даврида келгуси ҳаётимизга ҳақиқий пойдевор қўйилади. Томошабин бўлиб туриш эса гуноҳдир. Чунки, кечикишимиз мумкин. Ҳаёт эса тўфонлардан иборат.

Мен ўзимнинг тенгқурларим — талабаларга «келинг, истиқлолимизнинг қад ростлашида биз ҳам мадад бўлайлик, азалий шогирд-устоз мақомларини қайта тиклайлик» дегим келади. Зеро, бугунги навқирон авлоднинг бошига келажакда юрт ташвиши тушади. Вунга тайёр бўлмоғимиз лозим.

3. Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлишига ишонаман. Ўтмиши уйғоқ элнинг бугуни ҳам уйғоқ, келажаги порлоқ бўлади. Бу ибораларни Ўзбекистон учун иқтибос қилгим келади. Мозийда ўзининг нодир маданияти, гўзал ахлоқий ҳаёт тарзи билан дунёни лол қолдирган туркий халқлар авлодларининг шундай кунлар умиди билан унга интилиб яшаши улкан бахтдир.

Илло, юрагимизнинг истиқлол туйғусига тўлиб, Ватан ҳисси билан гупуриб бораверсин.

Самарқандликлар эҳтироми

Темурийлар сулоласининг ёрқин намояндаси, оташнафас шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди Самарқанд билан чамбарчас боғлиқ.

Вилоят ҳокимининг Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга бағишланган қарорига кўра, шоир номи билан боғлиқ табаррук қадамжолар ободонлаштирилмоқда. Самарқанд давлат дорилфунунида илмий анжуман ўтказишга ҳозирлик кўрилаётир. Тантаналар Самарқанд мусиқа ва драма театрида ўтадиган катта йиғилиш билан якун топади.

Ҳ. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

Жаҳонгир туғилган қишлоқда—жимлик

Улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллуд топган жой тарихий манбаларда Шаҳрисабздан 13 чақирим масофада жойлашган қишлоқ экани айтилган. Тарихчи олимларнинг фикрича, бу табаррук маскан Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор қишлоғидир.

Шу кунларда Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда бу қутлуғ санани умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонлаймиз.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида Амир Темур ёдгорлик мажмуи ўрнатилиши ҳақидаги қарор кўпгилдаги иш бўлди.

Хўш, Амир Темур туғилган қишлоқда бу борада нима ишлар қилиняпти? Шундай савол билан Яккабоғ тумани ҳокими Темур Шоназаров ва Амир Темур номидаги жамоа хўжалиги раиси Эштемир Расуловларга мурожаат этдик. Улар Хўжаилғор қишлоғида Жаҳонгирга ҳайкал ўрнатиш, тарих музейи ташкил этиш, шаҳарнинг марказий кўчасига Амир Темур номини бериш каби хайрли тадбирларни айтдилар.

Шу кунларда Хўжаилғорга табиий газ ўтказилмоқда. Хўжаликка ичимлик суви келтирилган.

Яккабоғда ана шундай эзгу ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, таъкидлаш керакки, боғ айтилган тадбирлар ҳозирча режа, холос. Хўжаилғор қабристони ёнида Амир Темур номини тилга олмоқ жасорат бўлган йилларда бир гуруҳ миллатпарвар кишиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўрнатилган «бу ерда Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилади» деб ёзилган ғиштин супача атрофини ўт босиб, қаровсизликдан кўзга кўринмайдиган ҳолга келган.

Пойтахтда улуғ бобомизга ҳайкал ўрнатилаётган бир пайтда соҳибқирон туғилган қишлоқда хотиржамлик, ҳафсаласизлик кайфияти ҳукм сураётгани нишини ранжитади.

Мустақиллик куни — 1 сентябргача қолган қисқа фурсатдан унумли фойдаланиб, хўжаилғорликлар, қолаверса, Яккабоғ, Шаҳрисабздаги мутасадди раҳбарлар Амир Темур номи билан боғлиқ жойларда ободонлаштириш ишларини амалга оширадилар, буюк бобомиз хотирасини улуғлайдилар, деган умиддамиз.

А. ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи"—ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

МУДДАО — ТАБИАТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

ИНСОНИЯТДАН келажак авлодларга қоладиган мерос ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган пайт келди.

АМЕРИКАДАГИ «Сервис эдвенгерз» экология ташкилоти вакили, миллий боғларни кенгайтириш соҳасининг йирик мутахассиси Питер Рэйнолт Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мақсади — миллий боғлардан оқилона фойдаланишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқишда ўзбек мутахассисларига кўмаклашиш. «Сервис эдвенгерз» «Экосан» жамғармаси ва экология масалаларига даҳлдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжатларни имзолади.

«МЕҲНАТ» ЗАРДУЗЧИЛАРИ ДОВРУҒИ

САМАРҚАНДДАГИ «Меҳнат» тикувчилик фирмасида бундан тўрт ой илгари зардўзлик цехи очилганди. Тез орада бу нафис касб сирларини ўрганиб олган қиз-жувонлар сифатли тўн, дўппи, келинлар тақинчоқлари ва пойабзаллар чиқариб, цехнинг довруғини оширишмоқда. Шунингдек, цехнинг Ғ. Алиев суратга туширган Дилоро Ҳайитова сингари чевар зардўзчиларини ҳам эл таниб бошлади.

ҲАШАР — ЎЗБЕКНИНГ ХАЙРЛИ УДУМИ

«ЮЛДУЗ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси икки қўшимча сменада техника ишлаб берди.

ҲАШАР йўли билан тикилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул ва бутун иш ҳақи ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига топширилди.

Бирлашма ишчи-хизматчилари «Ўзбекенгилсаноат» тасарруфидаги ҳамма касбдошларини бу хайрли ташаббусга қўшилишга даъват этдилар.

ҚИШЛОҚЛАРГА ГАЗ ОРАЛАБ ҚОЛДИ

МУБОРАКДАН «йўлга чиққан» газ қувури 72 чақирим масофани босиб ўтиб, Навбаҳор туманига етиб келди.

ҲОЗИРДАНОҚ «Зарафшон» жамоа хўжалигининг 25 хонадони табиий газдан баҳраманд бўлди. «Гигант» давлат хўжалиги, «Янгиқўрғон» ва Навоий номидаги жамоа хўжаликлари маҳаллаларида шитоб билан қувурлар ётқизилмоқда.

ҒАЛЛА КЕТИДАН МАККАЖУХОРИ

АНГОР туманидаги Шараф Рашидов номли жамоа хўжалигида бу йил 700 танаб майдондаги буғдой эрта пишиб етилди ва мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонлар имкониятни бой бермадилар. Механизаторлар комбайнлар ортидан далага ҳайдов тракторларини олиб чиқдилар. Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-теш ҳайдалиб, сийдик учун маккажўхори экилди.

«МИРЗАЧЎЛ»НИНГ ЧОПОНИ...

БОЕВУТ туманидаги Усмон Юсупов номли давлат хўжалигида «Мирзачўл» қўшма корхонаси очилди.

ЯНГИ корхона кўптармоқли бўлиб, болалар эа катталар кийим-кечаги, чопон тикишга, патгилам ва кигиз тайёрлашга ихтисослашган. 16 та тўқув ва ип-йигирув дастгоҳини 35 ишчи бошқарадилар.

«Мирзачўл»нинг дастлабки маҳсулотларининг асосий қисми болалар уйи ва шифохоналарга насиб этди.

ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК «ЭКОСАН» ЖАМҒАРМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!
Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамиз ҳозирги кунда ҳаётимизда энг азиз ва муқаддас бўлиб қолган миллий байрамимиз — жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг икки йиллигини муносиб совғалар билан нишонлаш арафасидамиз. Келажаги буюк давлатимиз мустақиллигини жаҳондаги 120 дан ортиқ мамлакат тан олди. Юртимизда тинчлик, барқарорлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу эса, ватандошларимизда миллий тараққиёт, истиқлол ғоялари ва эртанги кунга ишончни тобора мустаҳкамламоқда.

Бугун Ўзбекистонимиз ва жамиятимизда барқарорликни мустаҳкамлашда инсон сиҳат-саломатлигини сақлаш энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода Президентимиз Ислом Каримовнинг барчамизни соғлом, баркамол авлод учун курашишга даъват қилаётгани бежиз эмас.

Шуларни эътиборга олиб, ҳозирги кунда республикамизнинг айрим минтақаларида санитар-эпидемиологик ҳолатнинг ёмонлашуви бизни бефарқ қолдиролмайди.

Аҳоли ўртасида юқумли ошқозон-ичак касалликларининг кўпаяётганлиги натижасида, айниқса, жаксаларимиз, ёш болалар азоб чекишмоқда.

Об-ҳавонинг иссиқ келиши, экологик мувозанатнинг бузилиши, тоза ичимлик сувни етишмаслиги, санитариягигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида бу касалликка чалиниш рўй бераётир. Ҳозир юртимизда айни пишиқчилик. Мева-чевалар, қовун-тарвузлар гарқ пишган. Уларни тоза қолда истеъмол қилмаслик, қайнатилмаган сувни ичиш, ифлос сув ҳавзаларида чўмилиш инсон саломатлигини ҳавф остига солиб қўяди. Уйда, кўча-қуйда, бозорларда, бошқа жамоат жойларида тозалик ва озодаликка эътиборсизлик бу касалликнинг келиб чиқишида асосий сабаблардандир.

Бир қатор транспорт, саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларининг ўз вазифаларига лоқайдликлари оқибатида атроф-муҳит, сув ва ҳавонинг мунтазам равишда турли ифлос чиқиндилар билан зарарланиши одамларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиб, турли юқумли ҳасталикларни келтириб чиқармоқда.

Азиз отахонлар, онахонлар, ака-укалар, опа-сингиллар! Ҳар биримизнинг соғлигимиз ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, аввало, тозаликка, шахсий гигиена қоидаларига оғишмай риоя қилайлик. Уйимиз, остонамиз, кўчамиз, иш жойимизни озода, саранжом-саришта тутайлик.

Маҳаллий идораларнинг раҳбарлари! Биз сизларга мурожаат қиламиз. Сиз бошлиқ бўлган корхона, ташкилот атрофидаги аҳоли яшайдиган ҳудудларнинг тозалигига алоҳида эътибор бернгиз! Қўшни ташкилотлар, маҳалла фаоллари билан биргаликда атроф-муҳитнинг — сув ҳавзалари, атмосфера ҳавоси ва ўсимлик майдонларининг турли чиқинди ва кимёвий моддалар билан ифлосланишига кузатувчи бўлмасдан уларнинг олдини олишга ёрдам берингиз!

Аҳлатларни турар жойлардан ўз вақтида йиғиб, олиб чиқиб кетиш ва уларни зарарсиз ҳолатга келтиришни таъминлангиз! Акс ҳолда йиғилиб қолган аҳлатлар касаллик чақирувчи асосий манбаага айланади.

Зарафшон дарёси (Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳокимликлари раҳбарияти), Салар, Анҳор, Бўржар, Кайковуз каналсувлари (Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти), Сирдарё ва унинг шаҳобчалари (Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари раҳбарияти), Амударё ва унинг ўзанлари (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳокимлиги раҳбарияти) ва бошқа сув ҳавзалари эпидемик нуқтаи назардан жиддий эътибор беришни талаб қилишини алоҳида уқдириб ўтмоқчимиз.

Бу борада «ЭКОСАН» жамғармаси ишлаб чиққан «Тоза ҳаво» ва «Тоза сув» дастурлари талабларини энг шимариб, астойдил бажаришга киришсак, олдимиздаги муаммолар тезроқ ҳал бўлар эди. Ўзининг ҳатти-ҳаракати билан сувни ифлослаб, ҳавони заҳарлаётган ҳар бир кишига юз-хотир қилмай, рўйрост шу гапни айтишимиз керак: сиз бу билан ўзингизнинг оёғингизга болта ураяпсиз, келажак авлодларимиз сиҳат-саломатлигини ҳавф остида қолдираяпсиз, уларнинг сурункали касалликларга дучор бўлишига сабабчи бўлмоқдасиз!

Шу ўринда узоқ ўтмишимиздаги ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳамда ота-боболаримизнинг доно панд-насиҳатларини эслаш ўринлидир. Ҳақиқий мусулмон фарзанди ҳеч қачон ариқдаги сувга аҳлат ташламаган, она-ер, заминни муқаддас билиб, уни эъзозлаб, ҳар бир қаричидан оқилона, унумли фойдаланган. Халқимиз сифати бузилган ва истеъмол қилиш нолойиқ бўлган нарсалардан ҳазар қилган. Қадимдан бизнинг элимизда ҳаром-ҳариш нарсалардан ўз нафсини тия билиш эзгу одат бўлиб келган, бундай нарсаларга қўл уриш, тозалик, озодагарчиликка риоя қилмаслик ғуноҳи азим ҳисобланган.

Табобат ходимлари! Шу кунларда кўп нарса сизларнинг жонкуярлигингиз, тадбиркорлигингиз, ташкилотчилик қобилиятингизга боғлиқ. Юқумли ошқозон-ичак касалликлари келиб чиқишининг сабабларини катта-кичикка тушунтиринг, санитария маърифати асосий қуролингиз бўлсин. Касалликнинг олдини олиш ва даволаш учун барча зарур чораларни кўринг.

Азиз юртдошлар! Халқ соғлиги — эл бойлиги, тинчлиги, хотиржамлиги. Азиз дўст-биродар, ватандошлар, келинг, қадимий, тарихимиз, табобат олами анъаналарига, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган ибратли урф-одатларга, тиббиёт ходимлари ва экологларнинг кўрсатма ҳамда маслаҳатларига қатъий риоя қилайлик, атроф-муҳитнинг тозалигию саранжом-саришталиги, аъзойи-бадамизнинг озода ва поклигига эришайлик, ўзимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, бақувват қилиб тарбиялаб шу орқали республикамиз равнақи ва гуллаб яшнашига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

• Қишлоқда ислоҳот қандай бораяпти?

ҲАРАКАТГА ҚАРАБ БАРАКАТ

Мамлакатимиз бўйлаб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда ҳар бир корхона, жамоа хўжалиги ўз жамғармасини бойитиш ва ўрнини топиш йўлида астойдил ғайрат-шижоат кўрсатмоқда. Жамоа хўжалигимизнинг довруғи ҳатто мамлакатимиздан ташқарига ҳам кетган. Унинг номини тараторлар пахтакорлар, чорвадорлар, механизаторлар...

Хўжалигимиз экин майдонлари шундоққина Қўқон шаҳрига туташ. Буни айтаётганимнинг боиси бор. Негаки, баъзан қишлоқдагилар шаҳарга иш, яхшироқ ҳаёт излаб кетиб қоляпти. Бизда эса бунинг акси — шаҳарликлар иш сўраб келишади. Чунки хўжалигимиз аъзоларининг турмуш шароитлари, олаётган маошлари шаҳарликларникидан асло қолишмайди. Гап қуруқ бўлиб қолмаслиги учун баъзи рақамларни келтириб ўтаман. Ўтган йили биргина пахтачиликнинг ўзидан 23.218.000 сўм соф фойда олинди. Бир йил давомида 76 миллион сўм иш ҳақи сифатида тарқатиб берилди. Дўлтабой Турғунов бошлиқ бригада пахтакорлари ишлаган 1 сўм иш ҳақи учун йил якунида 12 сўм 86 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар.

Даромадда буромад бўлиши учун тадбиркорлик билан ишлаш лозим. Жамоа хўжалигининг афзаллиги ҳам шундаки, ҳар ким ишлаганига яраша ҳақ олади. Қўйингки, нима қилса, ўзига ва ёнида ишлаётганлар учун. Ишлаб чиқариш ҳам шу нуқтаи назардан режалаштирилади, вазифалар ҳам шунга қараб тақсимланади.

Бизда бош агроном Қодиржон Дадабоев кўп ишга бош-қош. Очиғи, бир неча йиллардан буён гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олиш бизнинг хўжалигимизда уят саналади. Шунинг учун ҳам пахтани йиғиб-териб олиш биланоқ янги ҳосил учун ҳаракат бошланади. Қолаверса, бир неча йиллардан буён «Тошжент-6» навли пахта уруғини етказиб берамиз. Мутахассис ҳам, деҳқон ҳам яхши билади: ер текислаш, яхоблаш пайтидаги озгина эътиборсизлик кейинчалик қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам қишки—кузги, баҳорги тадбирларнинг аъло сифат билан бажарилиши таъминланган.

Минерал ўғитларнинг баҳоси деҳқонни чакадиган ҳозирги кунда ҳам, бир неча йил муқаддам ҳам маҳаллий ўғит жамғаришга алоҳида эътибор бериб келинган. Ҳар йили далага 25000 тоннагача гўнг ташиб чиқилади ва компост қилиб қўйилади. Эътиборли жиҳати шундаки, биз гўнг олиб чиқиш тўғрисида ҳеч кимга буйруқ бермаймиз, ҳар ким ўз ишини онгли равишда бажараверади. Экинга ишлов бериш пайтида эса уста пахтакорлари тажрибасига, маслаҳатларига суянилади. Хўжалигимизда 40 йилдан ортиқроқ бригадага бошлиқ бўлиб келаётган Абдуллахўжа Жўрахўжаев, Жамолиддин Камолов, Дўлдабой Турғунов каби деҳқончиликнинг сир-асрорларини биладиган пахтакорлар меҳнат қилишади.

Хўжаликда мавжуд техника соз-носозлиги учун эса бош ниженер Расулжон Ғафуров жавоб беради.

Ҳар бир механизаторимиз ўз техникасига шахсий мулк сифатида ёндашади. Қолаверса, экин орасига ишлов берадиган механизатор бригадир, сувчи кўрмаган жойдан ҳам юради. Ғўзанинг аҳволи қаерда қандай — бу ҳақда бригада бошлиғига ахборот беради.

Техника сақланадиган саройимизни ўзига хос таъмирлаш устахонаси, десак, янглишмаган бўламиз. Чунки бу ерда юқори босимли шланглар, ёнилғи насослари, қувватли цилиндрлар таъмирланяпти.

Ўтган йили устахонада эсда қоларлик бир иш қилинди. «Тойота» автобусимиз бор эди. Шунинг мотори ишдан чиқди. Мутахассисларимиз ҳисоб-китоб қилиб чиқишди; агар автобус двигателини Тошкентга олиб бориб таъмирласак, 1 миллион сўмдан ортиқ пул кетаркан. Биргина ёнилғи насоси учун 250000 сўм сўрашди. Бундан «аччиқланган» бош ниженер Раҳмонжон Мўминов, Холдорали Қурбонов, Усмонжон Исмоилов, Давронжон Эргашев каби усталарни жалб этгани ҳолда автобусга «МТЗ-50» трактори двигателини мослаштириб қўйди. Тезлик ҳам, ёғ сарфи ҳам ўша-ўша. Фақат бу ишлар учун 20000 сўм сарф бўлди, холос. Эндиликда бошқа ташкилотларнинг мана шундай юмушларини бажариб бераяпмиз.

Гўшт, сут режаларининг бажарилишига сут-товар фермаси мудири Омонжон Қодиров масъул. У ҳам ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажаряпти. Ўтган йили чорвачиликдан 2 миллион сўм соф фойда олинди. Баъзилар ем-хашак қидириб юрган пайтда биз бошқаларга сотдик. Қиш даврида ҳам сигирлар маҳсулдорлиги камаймади. Биргина мисол: шу йилнинг биринчи ярмида нафақат режани бажардик, балки белгиланганидан 81 тонна кўп маҳсулот сотдик. Саодатхон Ўримова, Нигора Камолова, Ҳожирахон Ҳусанова каби сигир соғувчиларимиз вилоятда ҳам пешқадамлардан ҳисобланишади.

Қўйингки, ҳар бир тармоқ хўжалик ҳисобида. Зарар тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Фақат даромад олинади.

Жамоа хўжалигимиз аъзоларининг турмуш тарзи ҳам қилаётган меҳнатларига яраша бўляпти. 1992 йил одамларга арзон нархда 42 тонна пахта ёғи тарқатдик. 2000 нафардан зиёд аёлларимизга 22 минг метр газлама арзон нархда сотилди. Қишлоқларимиз тўлиқ артезиан суви билан таъминланган. Биргина ўтган йили 42 километр масофага газ трубалари ётқизилди. 4 та марказий, 22 та мавсумий болалар боғчалари ишлаб турибди. Худудимизда 7 та мактаб, 1 та шифохона мавжуд. Келажакни ўйлаган ҳолда мактабларнинг энг яхши ўқувчилари учун 2000 сўмдан стипендия жорий этганмиз.

Хўжалигимизда эҳтимол, мамлакатда ягонадир, доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган «Меҳригиё» кичик корхонаси фаолият кўрсатяпти. Олий маълумотли доришунос Алижон Абдураззоқов онла аъзолари билан вилоятдаги дорихоналарни доривор ўсимликлар билан таъминланмоқда. Диққатга сазовор жойи шуки, бу ерга ташриф буюрган бемор доришунослар томонидан тайёрланган шарбатлардан ичиш ва дам олиши мумкин. Яхши дам олиш учун эса бинода барча шароит муҳайё. Дорихоналардан керакли дорилар топилмаётган бир пайтда «Меҳригиё»да шифобахш ўсимликлар колхозчиларга текин бериляпти. Зеро, биз инсон саломатлигини келадиган даромаддан устун қўйганмиз.

Булардан ташқари, хўжалигимизда ташкил этилган тўқувчилик ва тикувчилик кичик корхоналари пахтакорлар, чорвадорлар оғирини енгил қилаётган бўлса, «Осиё» кичик корхонасида диван ишлаб чиқариляпти. Келгусида шу корхона қошида ёғ ажратиб оладиган цех қуриш ниятимиз бор. Ғишт ишлаб чиқарадиган 2 та заводимиз ишчилари эса хўжалик меҳнаткашларининг ғиштга бўлган талабини қондирмоқда.

Халқимиз: «Барака — ҳаракатда», — деб бежиз айтмайди. Бу нақлнинг ҳақлигини ўз фаолиятимизда кўриб турибмиз. Бироқ, шуни очиқ айтишим керакки, мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Голландия сафаридан сўнг ҳали қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни чет эл маромига етказиш учун кўп ҳаракат қилишимиз лозимлигини тушуниб етдик. Албатта, биз ҳам ўша даражага кўтарилишимиз лозим. Бу — давр тақозоси, ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги бурчи бўлиб қолади.

Пилла тайёрлаш режасини водийда биринчи бўлиб бажардик. Ғўзаларимизни кўрган кишининг баҳри-дили очилади. Табиат қийинчиликлари мардона меҳнат билан енгиб ўтилди. Эндиликда гап экинни чанқатмай, вақтида ишлов бериб, мўл ҳосил тўплашда.

Мабодо Қўқон тарафларга йўлингиз тушгудек бўлса, бизнинг хўжалигимизга бир тушиб ўтинг. Дастурхонимиз очиқ. Қилаётган ишларимизни бир кўринг. Ана ўшанда халқимизнинг нақлн бежиз айтилмаганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Баҳромжон ЭРГАШЕВ,
Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги М. Деҳқонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

• Иқтисодиёт чорраҳаларида

РАҲБАР УЧУН БОЗОР

БАҲОНА БЎЛМАС

«ФАЙЗ» БИРЛАШМАСИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ МУКАРРАМХОН АЗИМОВА БИЛАН МУЛОҚОТ.

— Агар эсласангиз, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули ҳукм сурган даврда айрим ишлаб чиқариш мутасаддилари белгиланган режани уддалай олмасалар, раҳбариятнинг олдида бошини ҳам қилишдан нари ўтишмасди. Бугунги кунда эса ана шу тонфадаги раҳбарларга бозор иқтисодиёти, тақчиллик, ўзаро алоқаларнинг узилиши катта баҳона бўлиб қолди. Хўш, шундай экан, долзарб масалаларни ҳал этиш борасида бирлашмада қандай тадбирлар амалга оширилаяпти. Ёки сизлар ҳам...

— Бизда бу ҳақда ҳатто гап бўлиши мумкин эмас. Чунки ўзингизга маълум, бугунги бозор иқтисодиёти шароити, айниқса, ишлаб чиқариш соҳаси раҳбарларидан ўта ишбилармонлик ва тадбиркорликни талаб этади. Буни биз жуда яхши англаб етганмиз. Шунинг учун зиммамиздаги вазифаларни баҳоли қудрат бажариб келяпмиз. Хусусан, корхонамизда овқатланиш муассасалари ва ошхоналар учун ҳар йили 50 мингдан ортиқ мебеллар, 2000 дан кўпроқ меҳмонхона жиҳозлари, шунингдек, рўзғор учун энг зарур бўлган буюмлар: тарелка, патнис, ҳонтахта, сўри; сандиқ, спорт анжомлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар пулга чақилса, 2,5 миллиард сўмни ташкил этади. Ана шу кўрсаткич бошқа корхоналардаги аҳволга менгзаб кўрилса, шубҳасиз, иш меъёрида эканлиги ойдинлашади.

— Мукаррамхон опа, жамоа аҳли қўлга киритаётган ютуқлар қувончли, албатта. Лекин сиз ҳозиргина тилга олган маҳсулотлар нима учундир ўзимизнинг дўконларда кўринмайди. Бозорнинг ҳам нархи осмонда...

— Гапингиз тўғри. Лекин биз ончалик кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда зарур бўлган моллари ўз вақтида базаларга етказиб бераяпмиз. Уни назорат қилиш эса жамоамизнинг ваколатига кирмайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархининг қиймат-лигига келсак, аввало, хом ашё асосан бошқа республикалардан келтирилмоқда. Иккинчидан, республикамиз билан Россия ўртасидаги банк жараёнлари ҳалигача ҳал қилинмагани.

— Қатор корхона ва ташкилотлар ўша хом ашёнинг тақчиллигига барҳам бериш мақсадида шартнома асосида хорижий давлатларнинг ишбилармонлари билан қўшма корхоналар ташкил этишаяпти. Наҳотки, бундай корхоналарни сизларда ҳам ташкил этишнинг иложи бўлмаса?

— Имкон, албатта, бор. Яқинда Венгрия ишбилармонлари билан қўшма корхона очишга келишиб олдик. Шартномага кўра, ҳамкорликда юмшоқ ўриндиқли мебеллар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, Саудия Арабистонига буюртма асосида 500 миллион долларлик маҳсулот етказиб бермоқчимиз. Келгусидаги режаларимиз фақат шулардан иборат эмас.

— Демак, бирлашмада иш юришаверса, ишчи-хизматчиларнинг аҳволи ҳам шунга яраша яхшиланиб бораверади-да.

— Ҳа, албатта. Масалан, баъзи корхоналар меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялаш тугул, уларга маош топиб беришга қийналаётган бир пайтда биз иш ҳақини бир неча баравар оширдик. Айни чоғда ишчи-хизматчиларга ҳар ойда озиқ-овқат пули берилмоқда. 17 кунлик ўрнига 24 кунлик меҳнат таътили жорий қилинган. Шу паллада бир ойлик маошга тенг миқдорда ёрдам пули ҳам тарқатилади. Шунингдек, улар энг танқис озиқ-овқат маҳсулотлари: шакар, ёғ, совун, гуруч билан таъминланмоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган турли хил рўзғорбоп мебеллар эса ходимларга кредитга берилаётир.

— Суҳбатимиз сўнгида истиқболдаги режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Биз бундан кейин ҳам хорижий давлатлар билан ҳамкорликда иш юритиб, халқимизга харидоргир, яъни сежирим ва сифатли маҳсулотлар етказиб бераверамиз.

«Халқ сўзи» мухбири Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ суҳбатлашди.

Самарқанд шаҳридаги «Гулбаҳор» маиший хизмат кўрсатиш уйининг радио-телевизор созловчи устаси Шомил Бахтиев кўрсатаётган хизматдан мижозлар миннатдор бўлишмоқда. Устахонага олиб келинган турли хилдаги чет элда ишлаб чиқарилган телерадиоларни тузатиш ҳам Шомил учун мушкул эмас. Шу туфайли ҳам у жамоадаги ҳамкасблари орасида уста сифатида ҳурмат-эътибор қозонган.

СУРАТДА: Шомил Бахтиев иш устида.

Ғ. АЛИЙ олган сурат.

• Истиқлолнинг икки йиллиги олдидан

Қадимий тарих шоҳидлари

«Аждодлар даъвати» деб аталган кўп серияли тарихий бадиий-ҳужжатли кинофильмда Марказий Осиё ҳудудида сўнгги етти минг йил ичида мавжуд бўлган давлатлар тарихи акс этади. Бу фильм Ўзбекистон Республикаси тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш «Ёдгорлик» жамияти ҳузурида ташкил этилган «Мерос» киностудиясида яратилмоқда. Мутахассислар учун ҳам кўп жиҳатдан сирли бўлган Сўғдиёнага бағишланган дастлабки икки фильм шу йилдаёқ Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг экранларига чиқарилади. Бу улкан киносолномани яратиш ишлари беш-олти йил ичида ниҳоясига етказилади.

Фильм муаллифлари (уларнинг орасида таниқли адиблар, кинематографчилар, олимлар бор) шу диёрда яшаган халқларнинг маърифати, маданияти тараққиётини, ўзлигини англаши ва руҳий камолотини меъморлик ёдгорликлари, археология, этнография ашёлари орқали кўрсатиб беришга аҳд қилганлар. Бундай ёдгорликларда ҳамиша ўз даврининг излари сақланиб қолади ва улар бизга ўша даврлар ҳақида энг яхши маълумотлар бера олади. Фильм фақат республикамиз ҳудудида эмас, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Эрон, Жазоир ва бошқа мамлакатларда ҳам суратга олинади.

Айни пайтда «Ёдгорлик» жамиятининг ходимлари Ўзбекистон Фанлар академияси, Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ва қомус бош таҳририяти билан биргаликда республикадаги тарих ва маданият ёдгорликларига бағишланган 12 жилдли тўплам устида ҳам иш олиб бормоқдалар. Унда ҳар бир ёдгорлик ва унинг атроф-чети суратлар ҳамда муфассал тарихий маълумотлар билан бойитилган ҳолда тасвирланади. Бундан ташқари, китобхон бу нашрдан ана шу жойларга қандай бориш, қаерда тўхташ мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни билиб олади. Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги ёдгорликларга бағишланган китоблар тайёр бўлди ва тез орада нашрдан чиқади.

Бу асар Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганидан сўнг тарихга, халқ анъаналари ва урф-одатларига, ўлкамизнинг буюк давлат ва жамоат арбобларига, олимлари, ёзувчилари ва мутафаккирларига қизиқиш мислсиз кучайган ҳозирги пайтда айниқса бебаҳо аҳамиятга эгадир. Ҳозир халқимиз аждодларимиз қолдириб кетган меросни сақлаб қолиш қанчалик муҳимлигини жуда чуқур ҳис этмоқда.

— Мустақил Ўзбекистонинг яқинда қабул қилинган биринчи Конституциясида иккита модда тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш муаммоларига бағишланган, — деди «Ёдгорлик» жамияти бошқарувининг раиси Нуриддин Муҳиддинов. — Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу масалага нақадар катта эътибор бераётгани ҳам маълум. Бунинг сабаби бор. Чунки, ёдгорликлар — мозий, ҳозирги давр ва келажак ўртасидаги кўприкдир, деб бежиз айтмаганлар. Миллий ўзликни англашни қайтадан тиклашда, ёш авлодни тарбиялашда бу ёдгорликлар жуда катта ўрин тутади.

Бизга давлатнинг маданий зарур эди, бундай маданий оляпмиз ҳам. Деярли барча вилоятларда ҳокимларнинг ўринбосарлари маҳаллий бўлинмаларимизнинг раҳбарлари экانлигини айтишнинг ўзи кифоядир. Бу эса муаммоларни тезроқ ва осонроқ ҳал қилишимизга имкон беради. Муаммолар эса оз эмас.

— 1955—1957 йилларда республикада тарих ва маданият ёдгорликлари биринчи марта рўйхатга олинган эди. Ушанда 20 мингдан ортиқ ёдгорлик борлиги аниқланган. Ўтган йилги худди шундай ишнинг якунлари эса жуда ачинарли бўлиб чиқди: 2000 дан сал кўпроқ ёдгорлик сақланиб қолибди, холос. Равшанки, уларни ҳеч ким атайлаб бузиб ташламаган. Аммо, собиқ Иттифоқдаги ҳамма нарса бир дақиқали хўжалик манфаатларига қурбон қилинган шароитда меъморлик шоҳ асарлари сув омборларн қуриш чоғида сув остида қолиб кетиши ёки янги ерларни ўзлаштириш пайтида уларнинг бузиб ташланиши ҳеч кимни ташвишга солмас эди.

Республика мустақилликка эришиб, мамлакатдаги вазият бутунлай ўзгарган ҳозирги пайтда маданий ва маънавий бойликларимизни кўзқорачиғидай асрашимиз зарур. Вужудга келаётган бозор муносабатлари ёдгорликларни таъмирлашда кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқараётганига қарамай, ҳозир уларни авайлаб асраш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд.

Бугунги кунда «Ёдгорлик» жамияти маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш, муҳофаза қилиш, оммалаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг яхлит дастурини яратишга киришди. Ҳар бир вилоят, туман, шаҳар мана шу дастур асосида ўз дастурларини ишлаб чиқиши лозим. Жамият миллий-маданий мерос тақдирига бефарқ қараб тура олмайдиган ўз фаоллари — кўнгилли ёрдамчиларга катта умид боғлайди.

В. ПРУГЕР,
ЎзА мухбири.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДА

АРЗУРУМ САМАРҚАНД БИЛАН БИРОДАРЛАШДИ

АРЗУРУМ. Онадўлу агентлигининг хабар беришича, бу ерда Самарқанд билан Арзурумнинг биродарлашгани ҳақидаги ҳужжат имзоланган. Самарқанд шаҳри ҳокимлиги вакиллари билан Арзурум маҳаллий бошқаруви раиси Маҳмат Али Уиол бу ҳужжатга имзо чекишди. Иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олинди. Арзурум шаҳри вакиллари Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги байрамида иштирок этишга таклиф этилди.

КАВКАЗДАН ИСТАНБУЛГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

ИСТАНБУЛ. Россиянинг Кавказ минтақасидаги Шимолий Осетия Республикаси пойтахти Владикавказдан Истанбулга самолёт қатнови йўлга қўйилди. Ўтган ойда халқаро аэропорт деб эълон қилинган Владикавказ тайёрагоҳидан самолётлар ҳафтасига икки марта Истанбул сари парвоз қилади. Дастлабки парвозларни ЯК-42 самолётларида амалга ошириш мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШАДИ

АНҚАРА. Туркия университетлари ўқитувчилари ва бир гуруҳ мутахассислардан иборат делегация Ўзбекистонга боришга ҳозирлик кўрмоқда. Улар деҳқончилик ва агросаноатни ривожлантириш борасида фикр алмашадилар, ҳамкорлик соҳаларини аниқлайдилар. Делегация Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишгач, махсус ҳисобот тайёрлайди. Ана шу ҳисобот асосида ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгиланади.

ТУРКМАН МУТАХАССИСЛАРИ ТУРКИЯДА

АНҚАРА. Туркманистоннинг табиатни асраш ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича давлат муассасалари раҳбарлари Нурмуҳаммад Аширов ва Иброҳим Гелдиқурбон Туркияда меҳмон бўлиб турибди. Музокаралар давомида табиатни асраш, Ҳазар денгизида балиқчиликни ривожлантириш мавзулари муҳокама қилинмоқда. Меҳмонлар бу борадаги Туркия тажрибаларини ўрганмоқдалар.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

Америкаликлар Қорақалпоғистон музейига қизиқмоқда

И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат музейи директори М. Бобоназарова АҚШда бўлиб ўтган «Америка маданий марказлари ва музейлари» халқаро дастурида иштирок этди.

— Ўтган йил кузда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк бошлиқ бир гуруҳ элчихона ходимлари музейга ташриф буюрган эди, — деди М. Бобоназарова ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Бу йил кутилмаганда таклифнома олдим. Сафаримга Америка ЮСИА ахборот агентлиги ва «Фелпс стокс» жамғармаси ҳомийлик қилди. Анжуманда Россия, Литва, Латвия, Эстония республикаларидан ҳам вакиллар қатнашди. Учрашувлар ғоятда сермазмун ўтди. Вашингтон, Нью-Йорк, Сан-Франциско, Форта-Уэрта, Чикаго, Окленд музейлари ва галереяларида, Эндрю Карнеги номидаги машҳур маданият марказида бўлдик. Дунё миқёсидаги энг йирик ва бой музей-метрополитендаги асори-антиқаларни завқ-шавқ билан томоша қилдик. АҚШ миллий галереяси, маданият институти, хусусий музейларни ҳам бориб кўрдик.

Америкаликларни бизнинг музейларимиз жуда қизиқтирар экан. Анчагина таклифлар бўлди. АҚШ конгресси аъзоси сенатор Рид миллий галерея раҳбарлари олдига Қорақалпоғистон музей кўргазмасини ташкил этиш вазифасини қўйди.

Шунингдек, Тайван, Сингапур ва Жанубий Кореяда музейимиз кўргазмаларини ташкил этишга келишилди.

Қ. ШОНИЕЗОВ.

• *Соғлом авлод учун*

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун қимматли дори-дармон ишлаб чиқарадиган кичик корхона ёпилиш олдида турибди. Бу ерда минглаб одамларнинг, аввало болаларнинг саломатлигини сақлаб қола оладиган «Ором» томизғиси ишлаб чиқарилади.

Сутдан тайёрланадиган бу қуруқ томизғи Ўзбекистон Фанлар академияси микробиология институтининг болалар таомлари учун сут-катиқ бактериялари генетикаси лабораториясида ишлаб чиқилган ва Англияда патент олган, унинг муаллифлари — Д. Огай билан Г. Фимушкина халқ хўжалиги ютуқлари Бутуниттифоқ кўргазмасида кумуш медалга сазовор бўлган эдилар.

«Ором» томизғисидан сариқ касалининг, салмонеллёз, ичбуруғ касалликларининг олдини олишда, озиқ-овқат ва кимёвий моддалардан заҳарланишдан сақланишда фойдаланилади. Томизғи бактерияларнинг минтақамиз иқлимига хос бўлган маҳаллий турлари негизида ёғи олинган сутдан тайёрланади. Бу дори антибиотиклардан фарқли равишда салбий асорат қолдирмайди.

Бу ҳамма учун зарур бўлган дори-дармон бўлиб, томизғига буюртма, талаблар жуда кўп. Аммо уларни тўла қондиришнинг имкони бўлмаяпти. 8 киши меҳнат қиладиган бу кичик корхона болалар жамғармаси ва микробиология институти ҳомийлигида ишламоқда. Корхонага «Ниҳол» хўжалик ҳисобидаги корхона жой берган ва уни дорилар учун идиш билан таъминламоқда. Аммо бундай шиша идишлардан 50—60 мингта талаб қилинади. Корхона эса 5—6 баравар кам ояпти. Саломатлик учун жуда зарур бўлган дори-дармоннинг ўзи ҳам кам ишлаб чиқариляпти. Сабаби — корхона техника билан яхши жиҳозланган эмас.

Муаллифларнинг режаларига кўра, «Ором» ҳар бир дорихонада сотилиши керак. Ҳозирча томизғини шифокорларнинг тавсияномасига кўра болалар ошхоналари олмоқда. Бир пайтлар «Москва» гастрономи бу шифобахш маҳсулотни сота бошлаган эди, лекин ташвиши кўп бўлгани учун воз кечди.

Республикамиз иқлими шароитида фақат болалар эмас, катталар ҳам юқумли ичак касалликларига тез-тез дучор бўладилар. Шундай экан, тегишли ташкилотларнинг бу қимматли дорини ишлаб чиқаришга бефарқ қарашлари ажабланарлидир. Масалан, сариқ касалининг олдини оладиган «Ором-2» томизғиси, унга қўшиладиган моддалардан бири етишмаётганлиги сабабли ишлаб чиқарилмаяпти. Илгари бундай модда Бошқирдистондан келтирилар эди. Иттифоқ парчаланиб, алоқалар узилиб қолгач, Бошқирдистон билан алоқани тиклашни ҳеч ким хаёлига келтирмаяпти. Наҳотки, кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келган корхоналар билан келишиб олиш шунчалик қийин бўлса? Ахир гап одамларнинг, аввало болаларнинг саломатлиги ва ҳаёти тўғрисида боряпти-ку!

«Ором» кимёвий моддалардан ва озиқ-овқатдан заҳарланишга қарши энг яхши доридир. Олмалиқ конметаллургия комбинати раҳбарияти ва тиббий-санитария қисми ташаббуси билан ишчилар касалланишининг олдини олиш учун бу томизғидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Тиббий ходимларнинг далолат беришларича, ёзининг иссиқ кунларида бу дорини қўллаш туфайли металлурглар ва кончилар орасида касалланиш кескин камайди.

Қўшни мамлакатлардан — айниқса болалар ошқозон-ичак касалликлари кенг тарқалган Туркманистон ва Тожикистондан бу маҳсулотга буюртма кўп келмоқда.

Мутахассислар Тошкент микробиологлари яратган томизғини радиация кучли минтақаларда яшовчи одамлар учун ўзига хос қалқон, деб ҳисоблайдилар. Одессаликлар «Ором» ишлаб чиқариш технологиясини сотиш имконияти билан қизиқаётганликлари бежиз эмас.

Франциядаги Амьен институти билан Она ва бола институти ҳам томизғи ишлаб чиқариш технологиясини сотиш тўғрисида мурожаат қилди. Бу ишлар бир муаммога тақалиб тўхтаб қолди: мualлифлардан бири хорижга бориб, томизғи ишлаб чиқариш технологиясини халқаро стандартга мослаб пухталаши керак эди. Лекин бунинг учун 600 доллар топилмади. Хуллас, технология сотилмай қолди, республика эса анчагина валютадан маҳрум бўлди.

Институтда, одамлар «Ором-1», «Ором-2», «Ором-3», «Колибактерин», «Бифидумбактерин» каби дори-дармонларни бемалол сотиб оладиган бўлишлари керак, дейишади.

Татьяна КУКЛИНА,
(ЎзА).

Бекиш Носиров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан

ЭЛ АРДОҚЛАГАН ИНСОН

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзининг «Ҳайратул-аброр» асарида:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами, —

дейди.

Дарҳақиқат, бутун умрини халқ бахт-саодати, эл фаровонлиги, халқлар дўстлиги ва биродарлигига бахшида этган ана шундай ажойиб инсонлардан бири — Бекиш оға Носиров эди. У ўзининг бор билимини, ақл-заковатини, куч-ғайратини Она диёримиз — Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаётгига, равнақига ва камолотига бағишлади. Бекиш оға билан бир неча йиллар мобайнида ёнма-ён ишлаган, ҳозир уруш ва меҳнат ветерани Умар ака Тойиров шундай ҳикоя қилади: «Мен бундан 6 йил аввал Қашқадарё вилоятига бордим. Шунда, бир қанча оқсоқоллар суҳбатида бўлдим. Улар бир пайтлар ўзларида обком секретари бўлиб, ишлаган Бекиш оғанинг номини ғоят ҳурмат билан тилга олди. У ўзбекка ҳам, қозоққа ҳам, русга ҳам баробар, кенг қалбли инсон эди, — дея хотирлашди».

Ҳақиқатан ҳам, 1913 йили Қозоғистоннинг Павлодар вилоятига қарашли Баян овулида камбағал-деҳқон оиласида туғилган Бекиш оға Носиров, 1930-йилларнинг ўрталарида Сарқуёш Ўзбекистонга келиб, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Шараф Рашидов, Нуриддин Муҳиддинов, Раҳмонқул Қурбонов, Жўра Хонназаров, Ҳадича Сулаймонова, Иброҳим Мўминов ва бошқа ўзбек халқининг ажойиб фарзандлари билан бирга ишлаб, ўзининг ўткир зеҳни, заҳматкаш инсон эканлигини аниқ намоён этди. Масалан: 1937-40 йили Ўрта Осиё ҳарбий округида хизматини аъло даражада тугатгандан сўнг, қаётмомот ҳал бўлаётган 1941—1942 йиллар Ўзбекистон Тўқимачилик саноати халқ комиссариятининг ўринбосари лавозимида ишлаб, мазкур соҳада маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга, кўплаб Ватан учун зарур маҳсулотларни етказиб беришга муносиб ҳиссасини қўшди. Уша йиллари Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов каби давлат арбоблари билан ёнма-ён туриб, фронт орқасида ўзининг ташкилотчилик фаолияти, ҳақиқий инсонпарварлик ҳислатлари ва оташин сўзи билан халқимизни ғалабага даъват этди, республика раҳбарияти Бекиш оғанинг кишилар билан иш юритишдаги қобилиятини ҳисобга олиб, уни мураккаб нуқталарга ишга юборди. Масалан: 1942-43 йилларда Бекиш Носиров Ўрта Чирчиқ тумани партия комитетининг биринчи котиби, 1943—1947 йиллари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг чорвачилик бўйича котиби, 1947-48-йиллардан Бухоро область ижроия комитетининг биринчи ўринбосари, 1948-50 йиллари Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1950—53йилларда совхозлар вазирининг ўринбосари, гўшт-сут саноати вазири, 1953-58-йилларда Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси котибининг ёрдамчиси, қишлоқ хўжалиги вазирлигининг совхозлар бош бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишлади. У партия ва халқ ишончини ҳалол меҳнат билан оқлади. Бекиш оға Носировнинг меҳнат фаолияти республикамизда чорвачиликни, парандачиликни ривожлантириш, гўшт ва сут, қорақўлчилик маҳсулотларини кўпайтиришдек олижаноб иш билан бевосита боғлади, десак муболаға бўлмайди. У республикамизнинг олис яйловларига — Қорақалпоғистон ва Бухоро ҳудудидаги чорвадорлар ҳузурида тез-тез бўлиб, сўнгги йилларда камайиб бораётган туячиликни ва қорақўлчиликни ривожлантириш тўғрисида суҳбатлашар, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эътибордан четда қолдирмас эди. Ана шу иш сафарларининг бирида бухоролик чўпон Жабай Балиманов билан танишади. Чўпоннинг ҳаёт тажрибаси, тадбиркорлиги, қизил қум атрофидагина эмас, қўшни Чимкент, Қизил Ўрда вилоятида ҳам тез-тез тилга олиниб турар, унинг насл-дор Бухоро қўйлари ва қорақўлчиликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси жуда салмоқли эди. Чорвачилик соҳаси бўйича илмий иш билан шуғулланаётган Бекиш оға ана шундай яйлов академияларининг тажрибасини ўрганишни канда қилмади.

Амалий иш билан назарияни қўшиб олиб бориб натижада қишлоқ хўжалик фанлари номзоди даражасини олишга муваффақ бўлди. Кейинчалик эса, шу илмий тадқиқот асосида «Ўзбекистон совхозларида қорақўлчилик» даб аталган китоби нашр этилди.

Уз даврида унинг эл фаровонлиги йўлидаги меҳнатлари муносиб тақдирланиб, у Ўзбекистон Компартиясининг Х съездида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзолигига сайланди, икки чақириқ давомида (1947—1955) Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлди. Икки марта «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени ва икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди ҳамда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвонини олишга сазовор бўлди. Ҳеч кимнинг ҳаётни, вақтни тўхтатиб қўйишга қурби етмайди. Бунинг имкони бўлганда эди...

Начора, ана шундай ажойиб инсон 1977 йили 29 ноябрда 64 ёшда оламдан ўтди. Аммо унинг халқ фаровонлиги йўлида олиб борган ишлари, одамларга қилган ғамхўрлиги ҳамон биз билан бирга. Бир борганимда: «иним, бу касалликдан ёзилмасам керак. Аммо оламдан ёш кетяпман деб ўкинмайман ҳам. Лекин, халқ орасида бўлиб, бу дунёда тўйиб-тўйиб нафас олиб, меҳнат қилганга не етсин», — деган эди.

Тўғри, Бекиш оға Носиров орамиздан эрта кетди. Аммо унинг буюк инсоний фазилати, ҳаммага ғамхўрлиги, очиқ чеҳра ва ҳушчақчақлиги бизнинг юрагимизни тарк этмайди. Бу ажойиб инсоннинг 80 ёшлик табаррук таваллудини муборак эта туриб, унга жойинг жаннатда бўлсин, деймиз.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Яқин вақтларгача Баҳористон тумани пахтакорлари терим машиналарини қўшни туман устахоналарида таъмирлар эдилар. Бу хўжаликлар учун ноқулайликлар туғдириш билан бирга улкан харажатлар серфлашга ҳам тўғри келарди.

Иккинчи йилдирки туманда терим машиналарини таъмирлаш бирлашмаси ташкил қилинди. Эндиликда уларнинг ўзлари ҳам қўшни туман хўжаликларидан тушган буюртмаларни бажариш имкониятига эга бўлишди.

СУРАТДА: бирлашма бошлиғи Обрўй Раҳатов (ўртада) созловчилар Дилшод Тўхтаров ва Одилшох Оллоёров билан йиғув цехида.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

Ажойиб фазилатли кишилар

ТАҚДИР

ОЧЕРК

Бугунги моддий тақчиллик одамларни қандайдир тортинчоқ қилиб қўймоқда. Айтайлик, бирор киши уйига таклиф қиладиган бўлса, борсам оғирлик қилмасмикан, деб ўйлаб қоласи. Тилининг учида айтаётган бўлса-чи, ҳар ҳолда ўзбекчилик дейсиз. Оқбола ака бир кеча меҳмон бўлиб кетинг деб уйига таклиф қилганида дарров менинг ҳам кўнглимга шундай фикр келди. Кетаман деб важ-корсон кўрсатгандим, у ўпкалади:

— Шароит оғир деб, сиз шаҳарликлар халқимизнинг эзгу удумларини унутиб қўяяпсизлар. Агар меҳмондўстлик удумларимизни унутадиган бўлсак, қилаётган ишларимизнинг кимга кераги бор ўзи? Юринг, бир кеча минг кеча бўлмас...

Бундай самимий таклифга йўқ деб бўладими? Биз Оқбола ака Тўйчиев истиқомат қиладиган Дўстлик туманидаги «Дўстлик» давлат ширкатига қоронғу тушса бошлаганда етиб келдик. Кўрган хонадонларида чироқлар порлай бошлади. Икки томони қуюқ чинорлар билан қопланган йўл бўйлаб, Оқбола аканинг уйига етиб келдик. Бизни хонадон бекаси Ҳайитгул опа очиқ чеҳра билан кутиб олди. Бола-бақралар қўлимизга сув қуйиб, тоза сочиқ тутишди. Кейин дастурхон, нон туз, чой дегандай...

Куни билан юриб чарчаган эканмиз, ётиш учун ажратилган хонага кирдик. Мен шунда ечинаётган Оқбола аканинг оёқлари ясама эканлигини сезиб қолдим. Қандай даҳшат, бир оёғининг товони бор холос, иккинчисининг эса тиззадан пасти... Йўқ! Нега мен куни билан бирга юриб сезмадим. Қулоғимга алла нималарнинг ғижирлагани эшитилгандай бўлувди-я, эътибор бермабман-да. Шу аҳволи билан ширкатнинг катта бир бўлимини қандай бошқарар экан. Ҳой наҳой урушда орттириб келган бўлса керак бу дардларни... Нега тинчгина нафақасини олиб ётавермайди...

Шу саволлар менинг кўзимдан уйқумни олиб қочди. Ҳайратга тушганимни Оқбола ака сезди шекилли, ўзи гап бошлади:

— Мухбир ука, бош қаттиқми, тош қаттиқми, деганларида бош қаттиқ деганларнинг гапи тўғри экан. Менинг бу бошимга не кунлар тушмади, дейсиз. Ўзим асли Жиззахнинг Ёйилма деган жойидан бўламан. Шаҳарликларни чўлга кўчириш ҳақида буйруқ келганидан кейин Сирдарёга кўчиб кетдик. Ҳай, ризқимиз шу ерларга сочилган экан, деб юрганимизда бирданига уруш бошланиб қолса бўладими? У-оу, егулик солиб олган халтамни ип билан боғлаб, елкамга ташладиму, фронтга жўнадим. Онам шўрлик, йиғлаб-сиқтаб, қайтиб сени кўрамаими, кўрмайманми, деб нон тишлатиб қолди. Дийдам қаттиқ деб юрардим, хайрлашаётиб ўкириб юбордим, бир қисм тупроқни халтага ўраб киссамга жойладим. Иссиқ жонда, ёт ўлкаларда қолиб кетсам лоақал шу тупроқ билан бирга бўларман дедим. Украина, Белоруссия фронтларида қатнашдим. Беш марта яраландим. Қаттиқ жангларнинг бирида, кўриб турганингиздай, шу асоратни орттириб олдим. Хамшира аввалроқ олиб чиқмаганида билмайман... Сўнг узоқ вақт госпитал, кейин уйга дегандай...

Қараб турибман, Оқбола аканинг томоғига бир нарса тиқилиб келаяпти, нафаси бўғилиб қолмаса дейман, ҳар ҳолда етмишларни қоралаб қолган одам. Инсон ўз ҳолатларини тасаввур қилса яна ўша ўтиб кетган олис вақтларга қайтади-да...

— Узоқ даволандим, — синиқ оҳанг билан сўзини давом эттирди Оқбола ака. — Уруш бизнинг ғалабамиз билан тугагандан кейин вужудимга қандайдир куч югургандай бўлди. Ахир, менинг ҳам ҳиссам бора. Окопларда ҳафталаб оч наҳор ётган кунларим бўлди, ўқ едим, худонинг ўзи кечирсин ўқим эҳтимол душманимга ҳам текканди... Одамнинг одам ўлдиришни гуноҳи азим дер эдилар онаизоримиз... Ҳозир ҳам қийналиб кетсак, бу кунларни душманнинг ҳам бошига солмасин деб қўямизку!

Фронтда кўрган кунларим эсдан чиқса, оёгимнинг жароҳатларини унутиб яхши яшасам деб чўлга келсам, ёмонларнинг каттаси бу ёқда экан. Биласизми, келиб онамни тополмадим. Қаерлардасан, она, оч наҳор ўлиб кетдингми ёки қаҳратон совуқларда музлаб тараша бўлиб қолдингми, айт, қаердасан, деб чўлларда тентираб бўзладим. Саволимга попилтирақларини силкитиб қамишлар шовуллаб жавоб берди. Мошаклар чуриллаб, сайраб, менга қўшилиб нола чекди. Аммо онамни тополмадим. Уйларимиз бузилиб, текисланиб кетибди. Фронтда кўрганларим ҳам ҳолва экан. Э урушиниям... Хайрият укаларимни топиб олдим. Улар ҳам ҳар ерларда юрган экан. Сағирларнинг кўз ёши, ота-онасиз фарзандларнинг фарёдини тинглайдиганлар бормикан, деб йўлга тушдик...

Жуда қизиқ-да, сиз хотираларини тиклаб, суҳбатдошимни қийин аҳволга солдим-да деб, ноқулай ҳолатга тушасиз. Лекин одамнинг дардини одам оладиганлиги ва Оқбола акада менга ўтмишини айтиб беришга рағбат сездим. У ҳаяжон билан гоҳ маъюс, гоҳ тўлқинланиб сўзларди. Ахир жуда кўп кишилар ҳатто ота-онасига айтмаган гапларини мухбирларга айтиб беришадида? Нега шундай, бунга ўйлаб кўрган эмасман.

Кейин ерда майса кўкарар деганларидай Оқбола аканинг кейинги ҳаёти анча яхши кечибди. Сирдарё, Жиззах чўлларини ўзлаштиришда 46 йил ишлагани, оилали бўлгани, бирбиридан яхши фарзандлар тарбиялагани ҳақида гапириб берди. Шунча йил ишлабдию, бирор марта ўзининг ногиронлигини пеш қилмабди. Юқори ташкилотларга ариза кўтариб кирмабди. Яратганига, олган нафақаси, ўтган кунига шукр қилибди, кам бўлмабди. Катта хонадоннинг соҳиби, маҳаллага бош, ёшларнинг маслаҳатчиси. Тўғри, ҳаётдан, қинғир одамларнинг қилмишларидан нолиган дамлари бўлган. Айтишига қараганда, Оқбола акага бериладиган катта орден ва медаллар олғирларнинг қўлига тушибди.

Эҳтимол, сиз Оқбола ака ногирон бўлса ҳам оёғини узатиб болаларига бош бўлиб юргандир, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Отани яратмасин экан, фарзанд доғи юракларни ханжардай тилар экан. Оқбола аканинг Тошкент автомобиль йўллари дорилфунунини битирган ўғли Муҳаммаджон тўсатдан оламдан ўтибди. Сабабини шифокорлар ҳам айтиб беролмабди. Эрталабки бор одам тушда йўқ! Шунақа сирли касалликлар бор, деган ташҳис қўйилибди... Унинг бешта боласи, хотини йиғлабсиқтаб бобосининг қўлига қараб қолибди...

...Энди Оқбола аканинг товуши чиқмай қолди. Бояги бизнинг қўлимизга сув қуйган норасталар ўғлимнинг болалари эди, деёлди холос. Унинг кўзларидан ёш оқар, таскин берманг, йиғлаб олмасам, юрагим оғрийди, деб ғулдурарди. Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Оқбола аканинг гапига чидаб бўлмади...

— Ўтган йили баҳорда Муҳаммаджонимга атаб минг туп терак, мевали дарахтлар эндим, — деди у кўз ёшларини артиб. — Ҳозир навқирон бўлиб қолди. Ҳар ўтгаида, дарахтларни кўрсам ўғлимни кўргандай бўламан.

Оқбола ака ширкат раиси Суннат Эргашевдан ҳурсанд эканлигини айтди. Чўлқуварнинг сўраган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини топиб беришга ёрдамлашибди. Раҳбарлар Оқбола аканинг уйига тез-тез келиб, хабар олиб туришар экан. Ёрдамларини аяшмас экан.

Оқсоқолнинг енгил тин олаётганини сезиб мен ҳам енгил тортдим. У дала юмушлари, бу йил ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш учун қилинаётган ишлар, деҳқончиликдаги муаммолар, бозор шароити ҳақида гапира бошлади. Оқбола ака эртанги кун ташвиши, билан яшаётганини сезиб қувониб кетдим.

— Қаранг, — дегим келарди шу топда, — ҳаётнинг бешафқат бу оғир юкларини кўтариш учун Оқбола ака қаёқдан куч топар экан?! Топади-да, агар тополмаса букчайиб қоларди. Инсон иродадан яралган деб бекорга айтишмайди-да!

Мана, Оқбола Тўйчиев инсон иродасини намойиш этиш учун бир умр курашиб келади. Шу ирода уни ёркин уфқларга олиб чиқади. Эл ўртасида қадрини оширади.

Мен Оқбола аканинг дам олгиси келаётганини кўриб, чироқни ўчирдим. Кечаси билан чўлқуварнинг тақдири ҳақида ўйлаб чиқдим...

Тонгингиз нурафшон бўлсин, Оқбола ака!

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

• *Давлат назорати—амалда*

Республикамиз раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун бутун имкониятлар ишга солинятти. Минг машаққатлар эвазига истеъмолчиларга озиқ-овқат, халқ эҳтиёжи моллари етказиб берилаётир. Лекин халқимизда қассобга ёғ қайғуси, деган гап бор. Нафсга эрк берган айрим ноқобил шахслар бойлик орттириш пайида шарм-ҳаёни йиғиштириб қўймоқдалар.

НАФСГА ЭРК БЕРИЛСА...

ЙЎЛНИНГ БОШИ БЕРК БЎЛАДИ

Пахтаобод районида назоратчиларимиз фош этган воқеани эсласам, юракда оғриқ туради. Усимлик ёғининг томчиси ҳам ҳисобкитоб билан тақсимланиши зарур бўлган ҳолда пахтаободликлар уни вагонлаб олганлар. Район матлубот жамияти, ултуржи савдо базасининг ишбилармонлари юлдузни бенарвон урадиган дўкондорлар билан тил бириктириб, уни аҳолига тижорат нархида пуллаганлар Қуюшқондан чиқиш шу даражага етиб борганки, «Ўйғур» матлубот жамияти раҳбарлари «Гулчеҳра» деб номланган хусусий дўконга 59550 кило пахта ёғини қўш қўллаб тутқазишган. Улар нима қилишган, денг? Ёғни Бўз районидаги «Оқ олтин» кичик корхонасининг Ўш шаҳридаги «Олим» деб номланган шаҳобчасига жўнатганлар. Эвазига 2 та «Газ-24» автомашинаси олганлар.

Умуман ўтган йили районга эгри йўллар билан 6 вагон пахта ёғи, 30 тонна маргарин олиб келиниб, халқнинг чўнтаги қоқланган. Элнинг кўз ўнгида содир бўлаётган нохуш манзараларга районнинг собиқ ҳокими ва унинг ўринбосари бош бўлгани, махсус фармойиш бериб турганига нима дейсиз? Улар тавсиямизга кўра вазифаларидан четлатилди. Халқнинг насибасига чанг солганлар иши прокуратурага ўтказилиб, жиноий иш қўзғатилди.

Яқинда Булоқбоши районидаги Т. Раҳимов номли жамоа хўжалигида нопок шахсларнинг яна бир ғайриқонуний ишларига дуч келдик. Хўжалик омборхонасида нималар сақланяпти, денг? Ун, гуруч, мева шарбати, чинни идишлар, сара навли чой, кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари?! Тажжубланарлиси — дўкон пештахталарида топилмайдиган тақчил маҳсулотлар бу ерга қандай қилиб келиб қолгани. Маълум бўлишича, район кооператив савдо бирлашмаси маҳсулотни сақлаш учун хўжалик омборидан фойдаланган эмиш.

Ўз-ўзидан савол туғилади: икки ўртада шартнома бўлиши керакмиди? Албатта, лекин улар учун оғзаки буйруқ кифоя эмиш (!) Бироқ бирлашма томонидан 2100 килограмм 95-навли кўк чойни фуқаро М. Ражабовдан ҳар килограммини 800 сўмдан жами 1.680 минг сўмга сотиб олинганини қандай тушуниш керак? М. Ражабовнинг уйида чой заводи бормиди? Хом сут эмган бандалар-да. Ўзгаларни лақиллатмоқчи бўлишган. Наҳотки, Азимжон Камолов бошлиқ бўлган район кооператив тайёрлов бирлашмаси раҳбари А. Камолов вазифасидан четлатилди. Текшириш ҳужжатлари вилоят прокуратурасига юборилди.

Қанди баҳолаш керак экан, билолмадим? Йўғон чўзиладиган замонда баъзилар фақатгина оёқнинг тагини кўзлашяпти. Дори-дармон, тақчил тиббий ускуналар етишмаётганлиги кимлар учундир қўл келаётганлиги бор гап. Биз «Фармация» ишлаб чиқариш вилоят бирлашмаси, «Медтехника» ишлаб чиқариш техника корхонаси ҳамда даволаш муассасаларидаги аҳволни ўргандик. Очиғини айтиш керак — оқ халатга доғ тушираётганларни қилмишига тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар иккала ташкилот базалари фаолияти талабга жавоб бермайди. Ўта тақчил ва наркотик дорилар ҳисобини юритишда қўпол хатолар мавжуд. Одийгина мисол. Беморлар горчичниклар топа олмай тўрт томонга зир югурган кезда омборларда 1,5 миллион ўрам горчичник тахлаб қўйилганди. «Медтехника» корхонаси омборларида эса текшириш куни 287 минг дона бир марта ишлатиладиган игна ва шприцлар (кирим қилинмаган) борлиги аниқланди.

Худди шу корхонадаги суиистеъмолликларни кўриб таажжубга тушасиз. Қобиқ-ка ўралиб олиб, сирғига сув юқтирмаслик шу қадар бўлар-да. Яқинда аҳолига тиббий ускуналар етказиб беришга мўлжалланган «Алишер» кичик корхонаси фаолияти ўрганилди. Кичик корхона билан «Медтехника» ўртасида қандай боғлиқлик бор, дерсиз. Ҳамма гап шунда-да. Кичик корхона раҳбари Алишер Юсупов «Медтехника» ишлаб чиқариш савдо корхонасининг собиқ директори Абдураҳмон Юсуповнинг ўғли. Собиқ директор эса... кичик корхона бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади. Биргина мисол, «Медтехника» ташкилоти ўзига қарашли «Оптика» дўкони жиҳозлари ва биносини ҳеч қандай олди-бердисиз кичик корхонага қўш қўллаб тутқазган. Ўз навбатида давлат ташкилотига келтирилган бир марта фойдаланадиган игна ва шприцлар, тиббий ускуналардан ғайриқонуний равишда кичик корхона орқали сандога чиқарилган. Фуқароларнинг ҳамёнини қоқлашни қўя туринг, давлат бюджетига ҳам катта зарар келтирилди. Ишончни йўқотган раҳбарлар эса вазифасидан четлаштирилди.

Мустақил республикамиз дадил оёққа турaётир. Унинг келажаги буюк эканлигига дунёдаги тараққийпарвар кучлар ҳам амин бўляптилар. Тан олишимиз керак ҳозир ҳар биримиз бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз лозим. Лекин шоли ичида курмак бўлганидек, айримлар ана шу ҳақиқатни англаб етишмаяпти. «Узмясмолпром» вилоят бирлашмасининг бош директори М. Эгамов (собиқ) юртимизда қонунлар устивор эканлигини унутиб қўйди. Ўзини хон, қўлиқасини майдон ҳисоблай бошлади. Шунинг учун ўзгаларни оёқ ости қилиб, ўрсатишни одат қилди. Ўтган йили бирлашманинг Қўрғонтепа район тайёрлаш идораси директори Т. Каримов билан бошлиқ ўртасида қора мушук оралади. Икки ўртадаги муросасизлик иқтисодиётга қимматга тушди. Бирлашма бошлиғи бўрдоқичилик базасидан қўрғонтепаликларга қарашли бўлган 200 бош қорамолни Андижон гўшт комбинатига топширтирмасдан, тўхтатириб қўйди. Комбинатга қабул қилинмаган ҳайвонларни боқиш учун озуқа ажратилиши лозим эди. Лекин бундай қилинмади. Оқибатда, ҳар бош ҳайвон деярли 25—30 килограммдан озиб кетди.

Шубҳасиз, иқтисодиётимизга зарар келтираётган, ривожланишимизга ҳалал берувчи нуқсонлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни қайд этишдан мақсад айбдорлар қилмишини ошкор қилиш, йўл қўйган камчиликлар пайини қирқиш. Меҳнаткашларимиз юқоридагидек нохуш манзараларга бефарқ қарамасинлар, токи юртбошимизнинг одил сиёсати, ҳаётбахш фармонларини ҳаётга татбиқ этишга ҳеч ким тўсиқ бўлолмасин. Президентимиз Ислом Каримов республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида таъкидлаганидек, «...бепарво, лоқайд, калтабин раҳбар ва фаоллар... билан оранн очиқ қилиб олишимиз керак».

Акрамжон СОЛИЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи.

Сиз кутган учрашув

ТОТУВЛИК БОР ЖОЙДА БИРЛИК БОР, БИРЛИК БОР ЭКАН МУСТАҚИЛЛИК БОР,

ДЕЙДИ ЁЗУВЧИ НОСИР ФОЗИЛОВ

— Адабий жамоатчилик сизга ўзбек ва қозоқ адабиёти ўртасидаги иўприк деб нисбат беради. Бу бежиз эмас. Чунки Сиз қардош халқ адабиётидан жуда кўп таржималар қилгансиз, адабий декадалар, конференциялар уюштиришда иштирок этгансиз...

— Рости биз қардош ҳамкасбларимиз билан борди-келдиларни, мулоқотларни, учрашувларни, улар билан бўлган ҳазилмутойибаларни жуда соғиндик. Ўзингизга маълумки, ҳозирги иқтисодий қийин-қистов даврда у борди-келдилар учун катта маблағ керак. Лекин алоқаларимизнинг шундай қолиб кетишига ҳеч ҳам ишонмайман. Чунки бу қийинчиликлар вақтинчадир. Муҳтарам Президентларимизнинг биз ёзувчилар билан учрашганларида гапирган гаплари халқлар дўстлиги ҳақидаги умидбахш маърузалари шундай дейишимга тўлиқ асос бўлади. Яқиндагина Чимкент вилоятидаги Урдабоши тепалигида Ислом Каримов, Асқар Ақаев, Нурсултон Назарбоевлар учрашиб, Марказий Осиё минтақасидаги халқлар азал-азалдан қонқариндош эканлиги, уларнинг тарихий илдизлари, тили, дили, дини бир эканлигини яна бир бор такрорлаб, биз бирлашишимиз кераклигини айтишиб, декларация қабул қилишди. Бу жойга тўпланган юз минглаб одамлар ҳар уччала юртбошининг муддаоларини қарсаклар билан тасдиқлашди.

Маълумки, адабиётни халқдан ажратиб бўлмайди. Халқларимиз яқдил экан, демак, адабиётларимиз ҳам бир-биридан узилиб кетолмайди.

— Ҳар қандай имоили ижодкор, у истайдими-истамайдими, ўзи нафас олаётган жамият ташвиши ва қувончларидан йироқ туролмайди. Шундай экан Ўзбекистонимизнинг бугунги куни ва келажаги ҳақида нима дея оласиз?

— Мен бир нарсадан: юртбошимиз етук иқтисодчи эканидан беҳад мамнунман. Чунки давлатни ҳеч қачон ширин-шакар сўзлар, эҳтиросли шиорлар билан бошқариб бўлмайди. Аниқ ҳисоб-китоб, аниқ режалар керак.

Қирғизистон Президенти А. Ақаев Ўзбекистонга келиб, бир нечта шартномаларга имзо чекди. Шундан кейин бўлган матбуот конференциясида Президентларимиз журналистлар берган саволларга жавоб беришди. Шунда Ислом Каримов Қирғизистон мамлакати ўз валютасини муомалага чиқариш олдидан қўшни мамлакатларни огоҳ этмаганини таъкидлаб, журналистлар эътиборини ҳар қандай мамлакат ўз валютасини муомалага чиқариши олдидан учта шарт-шароитга амал қилишн кераклигини таъкидлаган эдилар: 1. Ўз валютасини муомалага қўядиган мамлакатнинг хазинасидан муомалага чиқариладиган пул миқдорида олтини бўлиши керак. 2. Муомалага киритиладиган пул ҳажмида магазинларда мол бўлиши керак. 3. Экспорт қуввати мустаҳкам бўлиши керак, яъни четдан бир ҳисса импорт мол олиб кирилса, шунга нисбатан уч баробар кўп мол четга экспорт қилиниши керак. Бундай гапни ҳиссиёт кишиларидан чиққан Президент эмас, етук иқтисодчидан чиққан президентгина айта олади.

Ақаев ўша матбуот конференциясида журналистларга берган жавобининг бирида: «Сизнинг мамлакатингиз иқтисодиёти бой, келажаги ойдин, забардаст мамлакатдир», деди. Йўқ, бу шунчаки хушомад учун айтилган гап эмас. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Ақаев биздан ёрдам сўраб келди. Бердик. Қўшни тожик биродарларимизга муттасил кўмаклашиб турибмиз Бунинг устига ўзимизда ҳам муаммолар кам эмас: об-ҳаво ноқулай келиб, қанчадан-қанча экинзорларимиз ёмғир, дўл тагида қолиб пайҳон бўлди. Сир эмас, бунга ҳам талай-талай миллионлар кетди. Шунга қарамасдан, ўша кунлари Президентимиз меҳнаткашлар маошини нафақалар ва стипендияларни оширди. Шундан бир ҳафта ўтар-ўтмас, республика зиёлилари, яъни ёзувчи, олим, артистларнинг гонорарлари ҳамда унвонларига пул даромади бериши ҳақидаги фармонга ҳам имзо чекилди. Ҳа, мамлакатимиз бой ва забардаст мамлакат!

Мен сизга бир воқеани айтиб берай: яқинда Олма-отадан бир ошнам кўнгироқ қилиб, гап орасида нафақага чиққанини айтиб, мақтаниб қолди.

— Қанча оладиган бўлдинг? — деб сўрадим.

У оғзини тўлдириб жавоб қилди:

— 16 минг!

— Яхши. Менга ҳам нафақа беришди.

— Қанча?

— Саксон мингдан ошди...

Халиги оғайнимнинг нафаси ичига тушиб, гапиролмай қолди.

— Сиз Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир каби устозлар билан яқин мулоқотда бўлганингиздан ҳурсандмисиз? Улар ҳақида кўрган-билганларингиздан гапириб бермасангиз.

— Мен улар билан яқин бўлганимдан жуда бахтиёрман. Негаки, сиз айтган оқсоқолларнинг ҳар бири каттакон бир чўққи. Бундай одамлар юз йилда, икки юз йилда бир марта туғилади.

Мен вақтингизни олиб, хотира сўйлаб ўтирмай қўя қолай. Чунки улар ҳақидаги жиндай кулгу, жиндай юмор билан ёзилган жажжи ҳикоячалар сизнинг газетангизда ҳам, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да ҳам ва бошқа матбуотларда ҳам чоп этилган. Қолаверса, уларни тўплаб, нашриётга топширганмен. Худо хоҳласа, кузгача ўқувчилар қўлига китоб шаклида тегиб қолар.

Шу тобда бир нарса эсимга тушди. Яқиндагина жумҳуриятимиз жамоатчилиги отахон-шоиримиз Ғафур Ғулом таваллуд тўйини муносиб равишда — бутун ҳурматини жойига қўйиб нишонладилар. Бундан барча адабиётимиз муҳлислари хурсанд бўлишди. Аммо... Маълумингизким, 80-йилларнинг бошларида уюшмамиз нене саъй-ҳаракатлар билан адабиётимизнинг тўрт забардаст оқсоқоли номида адабий мукофотлар таъсис этган, қанчадан-қанча сарф-харажатлар билан мазкур мукофотларнинг нишонларини Санкт-Петербург шаҳридаги «Монетный двор»да зарб қилдириб келганди. Шундан кейин уч-тўрт марта шу мукофотлар билан ёзувчиларимиз тақдирландилар ҳам. Улар орасида камина ҳам бўлиб, камтарингина ижодимнинг ҳамкасбларим томонидан тан олиниши, деб қабул қилдим. Ва мен бундан фахрланаман.

Мазкур мукофотлар ҳозир ҳам бору, аммо на номи, на нишони, на дипломи мавжуд. Худога минг қатла шукрлар бўлсинким, ковланма-ковла замонлар ўтди, бақириқ-чақириқлар ортда қолди, замона домига тушиб, оқсоқоллардан кир ахтариб, обрў топаман деганлар шараф топмади. Шунга қарамасдан баъзилар у ёғидан бўлмаса, бу ёғидан қабилида иш тутиб, кечагина ўзи қоралаганн оқсоқолларнинг таваллуд тўйларида минбар талашиб ваъз айтмоқдалар. Ўйлайманки, бу иш ҳам уларга шараф келтирмайди. Алалхусус, муқаддас ҳадисларимизда ҳам: «Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар, ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар!» дейилади.

Агар ёдингизда бўлса, Муҳтарам Президентимиз жумҳуриятимиз адиблари билан учрашганларида ҳам, оқсоқолимиз Ғафур Ғуломнинг 90 йиллик таваллуд тўйларида сўзлаган нутқларида ҳам ўтганларни кавлаштириш яхшиликка олиб келмаслигини қайта-қайта такрорладилар.

Алқисса, таклифим шуки, уюшмаларимиздаги мутасадди ўртоқлар дўппиларини ерга қўйиб, бир ўйлаб кўриб, шу пайтгача мазкур мукофотларга мушарраф бўлган дўстларимизга бирон-бир тантанали йиғинда кўкрак нишонлари билан дипломларни топширсинлар. Мазкур дипломлару нишонлар эгасини топса, бундан буёғига ҳам нишонлаш давом этса, ёзувчиларимизни руҳлантиради, янги-янги ижодлар сари илҳомлантиради-ку!

— Буюк бобокалонларимиз номида ҳам мукофот таъсис этилган деб эшитганмиз.

— Уларнинг покиза руҳларини эзозлайдиган, муборак хотираларини абадийлаштирадиган ҳар қандай саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Шу тушунча нуқтаи назаридан қараганимизда уюшмамиз қошидаги ташаббус шўъбасининг табаррук аждодларимиз номларига соврилар таъсис этганлигини қутламоқ керак. Агар бу ҳаракатларда кичкина идораларнинг нуфузини янада кўтариш каби ғаразлари бўлмаса. Ҳар қалай Яссавий, Қошғарий, Чўлпон каби боболаримизнинг номи мубораклариға жаҳон миқёсида бўлмаса-да, мусулмон олами миқёсида нуфузли соврилар таъсис этса арзийди. Агар жаҳоннинг энг обрўли мукофот эгаси Нобель ўзидан кейин каттагина моддий бойлик қолдириб кетган бўлса, бизнинг шавкатли боболаримиз қолдирган маънавий, руҳий бойликлар ўрнини ҳеч қанақа хазина боса олмайди. Шунинг учун буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираларини арзон-гаровга баҳолаб, бўлар-бўлмасга муомалага киритавермаслигимиз, руҳи покларини ранжитмаслигимиз маъқулмикан, деб ўйлайман.

— Ёзувчилар уюшмасининг бўлиғанига қандай қарайсиз?

— Лўнда қилиб айтганда, бирлашиш керак. Бирлашганда ҳам ҳозиргидек эмас, Алексей Максимовичдан қолган эски дўконни ёпиб, янгича бир уюшма тузиб, ҳамма учун қадрдон бўлган ҳозирги «союз»ни шу аҳволга солган, баъзи уюшма аъзоларининг баҳридан ўтиб, софланиб бирлашиш керак. Марказий Осиёдаги ҳамма юртбошилар куч ғайрат сарфлаб, бирлашишга даъват қилаётган пайтда ҳукуматимизнинг ёнига кириб, мадад берадиган ёзувчиларимиз иккига бўлиниб юриши ҳеч қанақа қондага сиғмайди.

— Билсангиз керак, илгаримизда турли-туман идоралар бўларди. Уларнинг иш услублари ҳам, мақсадлари ҳам бир-бирларинкига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Лекин шундай бўлса ҳам одамлар ишлайверишарди, тайин қилинган маошларини олаверишарди. Мана, масалан, жумҳуриятимизда уюшмамиз ҳузурида ташвиқот бюроси бор эди. У ўша кезларда чоп этилган яхши асарларни ҳам, ўқувчиларга ташвиқот қиларди. Вилоятларга гуррос-гуррос ёзувчи ва шоирларни юбориб, ишламайдиган, фақат «бюропропаганда»нинг йўлланмаси кетидан кун кўришга «ихтисослашган» ёзувчиларимиз бўларди. Улар ҳатто фалон вилоятдан фелонта корешок — ҳужжат олиб келдим, деб мақтанишарди. Ўша ҳужжатлари пуллик бўлиб, оддий меҳнаткашларни заҳмати эвазига келарди. Буни қаранг, ўзбекчиликда, ёзувчи, шоирларимиз боришса, деҳқонларимиз бошлари кўкка етгудек бўлиб, ўзи емаган, ичмаган нарсаларни меҳмонлар олдига тўкиб ташласалару, улар кетишгач «бюропропаганда»нинг ходимларн бунча пул берасан, деб ҳужжатларга имзо чектириб, боришса. Ҳозир ўшаларни ўйлаб, кулгим қистайди. Аслида бу «бюропропаганда» дегани ҳақиқий ўзбекона меҳмондорчиликни билмайдиган юртлар учуи мўлжалланган бўлиб, уни биз ўйламай-нетмай ўзимизга нусха кўчирган бўлсак ажаб эмас. Маълумингиз учун шуни ҳам айтиб ўтайликки, биринчидан яхши асарларга ҳеч қандай ташвиқотнинг кераги йўқ. Агар ҳақиқатан ҳам асар яхши бўлса, у ўзини ўзи ташвиқот қилади. Иккинчидан, қоғоз танқислиги туфайли кўп асарлар ўз вақтида чоп этилаётгани йўқ. Демак, йўқ китобларни қандай қилиб ташвиқот қилиш мумкин?

— Нима дейсиз, нашриётларнинг қалам ҳақи тўлаш услуби эндиликда эскирмадимикан?

— Тўғри айтасиз, нашриётлар биз билан бир босма табоққа фалон сўмдан деб шартнома тузишади. Назаримда бу усул ҳам эскирди чоғи. Жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги ёзувчиларга ҳақ тўлаш қонун-қоидаларини ўрганиб, маъқул жиҳатларини жорий қилиш пайти келмадимикан? Баъзи мамлакатларда ёзувчи қалам ҳақини китобини неча табоқлигига қараб эмас, умумий номиналининг фалон фоизи сизники, деб шартномага имзо қўйишади. Фикри ожизимча, ёзувчи учун мана шу услуб маъқулроқ бўлса керак. Дарвоқе, ҳозир жумҳуриятимиздаги баъзи давлатники бўлмаган нашриётлар хусусан «Нур» ижодий бирлашмаси ёзувчилар билан шартномани шу йўсин тузиб, тажриба қилиб кўрмоқдалар.

«Халқ сўзи» мухбири
Исмат ХУДОЁР
суҳбатлашди.

Мустақиллик шарофати

ҲАМ ИЖОД, ҲАМ ҲОРДИҚ

Дилбар водийнинг энг гўзал гўшалари, оҳанрабо оромгоҳлари ёзги таътилни орзиқиб кутган ўсмирлар, ёшлар, талабалар ихтиёрига бериб қўйилган.

Улар оромгоҳларда мириқиб дам олишяпти. Яқинда Фарғона ёғ-мой комбинатига қарашли «Старт» лагерига одатдагидан бошқачароқ «десант» келиб тушди. Бу гуруҳни Фарғона вилоят халқ демократик партияси, касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамкорликда ташкил этган.

Мана тўрт йилдирки, юқорида биз тилга олган мутасаддилар раҳнамолигида вилоятдаги иқтидорли ёшлар, қобилиятли, талантли мактаб ўқувчилари бир гуруҳга жамланиб, бир ой ҳам ҳордиқ чиқаришяпти, ҳам ижод қилишяпти. Дастлабки йиллари 20—30 та ижодкор мактаб ўқувчиси жамланган бўлса, ўтган йили вилоятнинг турли туман қишлоқларидаги мактабларнинг 60 ўқувчиси биргаликда дам олди. Бу йил мутасадди ташкилот — Фарғона ёғ-мой комбинати жамоаси беқиёс мурувват кўрсатди. Комбинатга қарашли «Старт» лагерида 120 нафар ижодкор ўқувчига жой ҳозирланди. Уларнинг йўлланма харажатларини тўласича комбинат ўз зиммасига олади.

— Еш ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрликни мустақиллик мафкурасининг ажралмас қисми деб ўйлайман, — дейди Фарғона ёғ-мой комбинати раҳбари Раҳмонжон Аҳмедов, — Юракларида умид ғунчалари порлаб турган келажагимиз эгаларига нафақат мириқиб хордиқ чиқариш, балки ижод қилиш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Дам олиш ниҳоясида энг яхши ижод намуналари кўригини ўтказишни ҳам режалаштириб қўйганмиз. Ғолибларни қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Бир пиёла чой устида ёш ижодкорларни оромгоҳга кузатиш маросими мушоирага айланиб кетди. Ёш истеъдодлар, мактаб ўқувчилари вилоятдаги ўқувчилар вилоятлик Шаҳноза Аҳмаджонова, ижодкор ўқувчилар республика танлови ғолиби, кувалик Сотволди Ҳасанов, миндонлик Шаҳноза Дадахўжаева, Марғуба Турдиматовларнн тинимсиз олқишлар билан сийлашди, қайта-қайта даврага таклиф қилишди. Уларнинг шеърлари асосан мустақил Ўзбекистонга, ота-онага бахтли болаликка бағишлангани билан эътиборга ва олқишга сазовордир.

Оромгоҳда дам олаётган истеъдод эгалари орасида фақат шоир ва ёзувчиликка интилганлар, кўнгил қўйганларгина эмас, иқтидорли рассомлар, қўшиқчилар, раққосалар, ганжкорлар бор. Ижодкорлар шунинг учун ҳам 4 гуруҳга бўлиниб, ҳордиқ чиқаришяпти.

Вилоят ёзувчилар уюшмаси ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда қобилиятли ижодкорларни излаб топиш, тарбиялаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Эрта баҳорда вилоят ёш ижодкорлари кўрик-танлови ўтказилган эди. Шу кунлари конкурсда ғолиб чиққан 12 нафар умидли ёшнинг қалдирғоч китоблари нашрга тайёрлаб қўйилди. Танлов ҳайъати томонидан Фарғона давлат дорилфунунига йўлланма берилиб, имтиҳонсиз талабаликка қабул қилинган 5 та ёш ижодкор эса ишончни оқламоқда.

.Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан қурилаётган 30 хонали уй тўла ёшлар ихтиёрига берилади. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши эса ҳар бир ёш ижодкорга 10 минг сўмдан, жами 1 миллион сўмга яқин маблағ ажратди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

ЯНГИ ГАЗЕТА

Самарқанд вилоят давлат солиқ бош бошқармасининг «Солиқ ва ҳаёт» газетаси муштарийлар қўлига тегди.

У солиқ тизими, шу соҳадаги янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган ҳужжатлар, илғор тажриба ва йўл қўйилаётган камчиликларни аҳолига тезроқ етказиш мақсадида ташкил этилди.

(ЎзА мухбири).

ЭЪЛОН

«Ўзбекгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1993 йил 3 августдан бошлаб тугатилади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: 55-44-88, 55-49-70.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси жамоаси Ғ. Ғулом номидаги нашриёт директори Б. Шариповга отаси
Муҳаммад Шариф МУҲАММАД АМИН ўғлининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё геология ва миннерал хом ашё институти жамоаси институт директори А. Абдумажитовга онаси
Кимёхон ВОЛТАҚУЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар республика радиоси жамоаси уйғур муҳарририятининг муҳаррири Марям Қосимовага отаси
Аблаҳат ҚОСИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси жамоаси «Чўлпон» нашриётининг директори Нурали Қобулга отаси
Холбўта ҚОБУЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Чўлпон» нашриёти жамоаси шу нашриёт директори, Ўзбекистон халқ ноиби, ёзувчи Нурали Қобулга отаси
Холбўта мулла ҚОБУЛ ўғлининг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ГЎЗАЛ ВА ЖОЗЕФ

СЕВГИ тил ҳам, дин ҳам, миллат ҳам танламаслигини яқинда самарқандлик Гўзал Бадамшина ва калифорниялик Жозеф Шепперд яна бир карра исботлашди.

ГЎЗАЛ Самарқандда туғилиб ўсган. Шу ердаги 37-ўрта мактабни ва мусиқа билим юртини тугаллаган. Шаҳардаги эксперанточилар клубининг фаол иштирокчиси ҳам эди. Ўтган йилнинг март ойида Оксфорд дорилфунунида ишловчи машҳур эксперанточи, доктор Маржори Бултоннинг таклифига биноан у ерда бўлганида тасодифан калифорниялик ёш профессор Жозеф Шепперд билан танишиб қолди. Бу танишув кейинчалик улар ўртасидаги самимий муҳаббатга айланди.

Шу йил Шотландиянинг Гамильтон шаҳрида бўлиб ўтган эксперанточиларнинг биринчи халқаро конгресси кунларида улар бу анжуманнинг 250 иштирокчиси гувоҳлигида никоҳдан ўтишди.

Шуниси эътиборлики, ушбу никоҳ ҳақида Англиянинг энг нуфузли «Геральд», «Таймс» газеталари анча батафсил ёзишди. Ҳозирги пайтда Гўзал Англиянинг Йорк университети талабаларига дарс бериш билан бирга мусиқа соҳасида илмий иш ёзаётир. Этнография профессори, фалсафа фанлари доктори олий унвонларига эга истеъдодли ёзувчи ва ҳайкалтарош Жозеф Шепперд ҳам шу университет талабаларига лекция ўқимоқда.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Матлаб ака Алиевни нафақат Андижонда, балки жумҳуриятимизда етук рассом, истеъдодли ҳайкалтарош, ёғоч ўймакорлиги санъатининг устаси сифатида яхши билишади. Матлаб ака мўй қаламига мансуб санъат асарлари Олмония музейларини, Третьяков галереясини безаб турибди. Унинг асарлари жумҳуриятимиз музейларидан ҳам кенг ўрин олган бўлиб, жаҳон нўргазмаларида муносиб тақдирланган. Шаҳрихонлик халқ устаси ўнлаб ёшларнинг севимли устози ҳамдир.

СУРАТДА: Матлаб ака Алиев ўз ижодхонасида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Леа ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидақрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев,
навбатчи — М. Холмитова.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—496. 96096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босмага топшириш вақти — 21.00. Босмага топширилди 21.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6